



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « I7 » ИЮНЬ

№ 388

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига Халқаро валюта жамғармасидан маблағлар жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан Халқаро валюта жамғармасининг (кейинги ўринларда – ХВЖ) “Тезкор кредитлаш дастури” бўйича 10 йил муддатга 5 йиллик имтиёзли даври билан 92,05 миллион махсус айирбошлаш ҳуқуқи (МАҲ ёки SDR) миқдоридagi фоизсиз қарз ва “Тезкор молиялаштириш инструменти” бўйича 5 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли даври билан 183,55 миллион МАҲ миқдоридagi қарз ажратиш бўйича расмий сўровнома юборилганлиги;

ХВЖ томонидан мазкур сўровнома асосида 2020 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикасига юқоридagi маблағлар ажратилиши маъқуллаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида мазкур қарзларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тушириш ва қарзга хизмат кўрсатиш механизмларини ифодаловчи Англашув Меморандуми имзоланганлиги;

ХВЖ томонидан ажратилadиган қарзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Халқаро валюта жамғармаси томонидан “Тезкор кредитлаш дастури” бўйича ажратилadиган қарзни қайтаришнинг прогноз жадвали 1-иловага;

Халқаро валюта жамғармаси томонидан “Тезкор молиялаштириш инструменти” бўйича ажратиладиган қарзни қайтариш, фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ХВЖ томонидан ажратиладиган қарзлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

ХВЖ томонидан ажратиладиган қарзлар доирасида амалга ошириладиган давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат буюртмачилари ушбу маблағлар доирасида шартномалар тузилган давлат харидлари ижрочиларининг бенефициарлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

ХВЖ томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳақи бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия – иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т. А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 17 июндаги 388 сон қарорига
1-илова

**Халқаро валюта жамғармаси томонидан “Тезкор кредитлаш дастури” бўйича
ажратиладиган қарзни қайтаришнинг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз суммаси 92,05 млн. МАҲ
Қарз муддати 10 йил
Имтиёзли давр 5 йил
Фоиз ставкаси 0 %

МАҲ

Тўлов даври	Қарз суммаси	Асосий қарз тўлов суммаси	Тўланиши лозим бўлган умумий сумма
01.06.2020	92 050 000		
01.12.2020	92 050 000		
01.06.2021	92 050 000		
01.12.2021	92 050 000		
01.06.2022	92 050 000		
01.12.2022	92 050 000		
01.06.2023	92 050 000		
01.12.2023	92 050 000		
01.06.2024	92 050 000		
01.12.2024	92 050 000		
01.06.2025	92 050 000		
01.12.2025	82 845 000	9 205 000	9 205 000
01.06.2026	73 640 000	9 205 000	9 205 000
01.12.2026	64 435 000	9 205 000	9 205 000
01.06.2027	55 230 000	9 205 000	9 205 000
01.12.2027	46 025 000	9 205 000	9 205 000
01.06.2028	36 820 000	9 205 000	9 205 000
01.12.2028	27 615 000	9 205 000	9 205 000
01.06.2029	18 410 000	9 205 000	9 205 000
01.12.2029	9 205 000	9 205 000	9 205 000
01.06.2030	0	9 205 000	9 205 000
Ҳаммаси		92 050 000	92 050 000



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 17 июндаги 388 - сон қарорига
2- илова

**Халқаро валюта жамғармаси томонидан “Тезкор молиялаштириш инструменти”
бўйича ажратиладиган қарзни қайтариш, фоиз ва хизмат кўрсатиш бўйича тўловларни
амалга оширишнинг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз суммаси 183,55 млн. МАҲ
Қарз муддати 5 йил
Имтиёзли давр 3 йил
Фоиз ставкаси * 1,05 %
Хизмат кўрсатиш ҳақи 0,5 %

МАҲ

Тўлов даври	Қарз суммаси	Тўлов суммаси		Хизмат кўрсатиш ҳақи	Тўланиши лозим бўлган умумий сумма
		асосий қарз	фоизлар		
01.06.2020	183 550 000			917 750	917 750
01.09.2020	183 550 000		492 526		492 526
01.12.2020	183 550 000		487 172		487 172
01.03.2021	183 550 000		481 819		481 819
01.06.2021	183 550 000		492 526		492 526
01.09.2021	183 550 000		492 526		492 526
01.12.2021	183 550 000		487 172		487 172
01.03.2022	183 550 000		481 819		481 819
01.06.2022	183 550 000		492 526		492 526
01.09.2022	183 550 000		492 526		492 526
01.12.2022	183 550 000		487 172		487 172
01.03.2023	183 550 000		481 819		481 819
01.06.2023	183 550 000		492 526		492 526
01.09.2023	160 606 250	22 943 750	492 526		23 436 276
01.12.2023	137 662 500	22 943 750	426 276		23 370 026
01.03.2024	114 718 750	22 943 750	365 379		23 309 129
01.06.2024	91 775 000	22 943 750	307 829		23 251 579
01.09.2024	68 831 250	22 943 750	246 263		23 190 013
01.12.2024	45 887 500	22 943 750	182 690		23 126 440
01.03.2025	22 943 750	22 943 750	120 455		23 064 205
01.06.2025	0	22 943 750	61 566		23 005 316
Ҳаммаси		183 550 000	8 065 111	917 750	192 532 861

*Фоиз ставкаси ХВЖнинг ҳар ҳафта ўзгарувчи SDR фоиз ставкасининг ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгаради.